120994

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 27 август, шанба № 134 (21.738). Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 август куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия ташқи ишлар вазири Андрей Козирев бошчилигидаги шу мамлакат делегациясини қабул қилди.

Ўзбекистон раҳбари Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатлари иккала мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

— Икки томонлама алоқалар, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ўзаро мулоқотларимиз яхши анъанага айланиб қолди,— деди Ислом Каримов. — Бу учрашувлар муҳим масалаларни ўз вақтида, тезкорлик билан ҳал этиш имконини бермоқда. Россия билан Ўзбекистон ўртасида бирталай ҳужжатлар имзоланган. Давлатлараро муносабатлар ҳақидаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги декларация, иқтисодий интеграция ҳақидаги шартнома ва бошқа битимлар бунга мисол бўла олади. Улар ҳозирча тўла амалга татбиқ этилгани йўқ. Бу йўналишда анчагина ишлар қилиниши керак. Шартномаларда кўзда тутилган иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашимиз зарур.

Андрей Козирев самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон ва Россия ўртасида яхши ҳамкорлик анъаналари мавжудлигини қайд этди. Ўзбекистон Президентининг икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қўшаётган ҳиссасини юксак баҳолади.

Мулоқот чоғида икки томон учун ҳам манфаатли бўлган масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

Суҳбатда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

26 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Германиянинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Х. Гельдмахер бошчилигидаги «Крупп Хёш Интернейшнл» компанияси делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистоннинг ташқи алоқалари ривожида Германия муҳим ўрин тутишини таъкидлаб, «Сименс», «Даймлер Бенц» компаниялари, «Дойче Банк» ҳамда «Конрад Аденауэр» жамғармаси билан ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатилганига эътиборни қаратди.

— Бу компаниялар қаторида жаҳонга машҳур «Крупп» фирмаси билан ҳамкорлик ҳам биз учун қувонарлидир,— деди мамлакатимиз раҳбари.— Темир йўл, агросаноат, ер ости бойликларини қазиб олиш соҳаларида амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлиши шубҳасиз. Юртимиз жаҳоннинг машҳур компанияларини ўзига жалб этаётгани бежиз эмас. Чунки бизда ҳамкорлик учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Ер ости ва усти бойликлари ҳам, эркин иш юритиш учун кафолат ҳам етарли.

Компания раҳбари Х. Гельдмахер самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, компанияси 1811 йилда ташкил этилганини, ҳозир дунёнинг 41 мамлакатида фаолият кўрсатаётганини, шунингдек, 250 дан ортиқ хорижий давлатларда фирманинг ваколатхоналари борлигини маълум қилди. Компания машинасозлик, саноат маҳсулотларини қайта ишлайдиган асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, пўлат қуйиш, савдо ва бошқа соҳаларда иш юритаётганини қайд этди.

Қабул маросимида Бош вазир ўринбосарлари Ў. Султонов, Ю. Пайгин, Р. Юнусов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

* * *

Шу куни Х. Гельдмахер бошчилигидаги «Крупп Хёш Интернейшнл» компанияси делегацияси аъзолари республика Вазирлар Маҳкамасида ҳам бўлиб, Бош вазир ўринбосари Ю. Пайгин ва вазирликлар раҳбарлари иштирокида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан музокаралар ўтказди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АЪЗОЛАРИГА, РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА ФУҚАРОЛАРИГА ТАБРИК

Азиз дўстлар! Қадрли ҳамюртлар!

Муқаддас ва мўътабар Ватанимиз — Ўзбекистон давлат мустақиллигининг уч йиллиги муборак бўлсин!

Бу байрамнинг замирида олам-олам маъно бор. Халқимиз мустақиллик туфайли ўз тақдирини том маънода қўлига олди, ҳуррриятга эришди, бугун у озодлик ҳавосидан эркин нафас олмоқда.

Уч йил — тарих учун бир дақиқа. Аммо, шу қисқа давр ичида мамлакатимиз тақдириломон воқеаларга бой, баракали йўлни босиб ўтди, қўҳна диёримиз кўзимиз ўнгида янгиланмоқда, яшармоқда. Партиямиз Раиси, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида республикамизда мисли кўрилмаган ислоҳотлар амалга оширилмоқда, демократик, инсонпарвар, адолатли миллий давлатимизнинг муҳташам биноси қад кўтармоқда, бозор муносабатларига асосланган янги иқтисодиёт вужудга келмоқда, миллий қадриятларимиз, бой маънавиятимиз қайта тикланмоқда, она-Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат туйғулари каттаю кичик дилидан жой олмоқда. Ёш давлатимиз дунё сиёсий харитасидан муносиб ўрин эгалламоқда, жаҳонга юз тутмоқда.

Биз ушбу ўзгаришларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг муносиб улуши борлигидан фахрланамиз ва улар улуғ мақсадларимиз йўлида ўз куч ва ғайратларини бундан кейин ҳам аямайдилар, деб ишонамиз.

Қадрли ватандошлар!

Мана шу шодиёна дамларда ҳаммангизга каттадан-катта муваффақият, оилавий бахт ва омад тилаймиз.

Истиқлолимиз истиқболи, Ватанимиз равнақи, халқимиз саодати йўлидаги олижаноб ишларингизда сизга буюк аждодларимизнинг руҳи поклари мадад берсин!

Мустақиллик байрами қутлуғ бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЕСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ПАХТА ТОЛАСИ РЕСУРСЛАРИДАН КОМПЛЕКС ФОЙДАЛАНИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд қиладики, республиканинг бир қатор ҳудудларида пахтани қайта ишлаш корхоналари зарур даражада техник-иқтисодий асослашларсиз, пахта толасини пухта қайта ишлашга, илғор технологияларни қўлланишга, республиканинг экспорт потенциалини оширишга йўналтирилган қурилишларнинг комплекслилигини таъминламасдан барпо этилмоқда. Умуман республика бўйича пахта толаси балансини зарурий ҳисобга олишга риоя қилинмаяпти. Бу кўп жиҳатдан кўрсатиб ўтилган масалаларни ишлаб чиқишга масъул бўлган бош ташкилотнинг йўқлиги билан боғлиқдир.

Оқибат натижада бу республиканинг энг муҳим бойлиги бўлган пахта толасидан фойдаланиш самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Пахта толасидан фойдаланишда зарурий мувофиқлаштиришни ва балансланганликни таъминлаш, уни қайта ишлашнинг комплекслигини ва пухталигини оширишни мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Пахтани қайта ишлаш саноатида ягона техника ва технология сиёсатини ўтказиш, пахта толасини, қайта ишлашнинг комплекслилигини ва пухталигини таъминлаш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш, шунингдек, пахтани қайта ишлаш корхоналари қурилиши лойиҳаларини мустақил экспертизадан ўтказишни амалга ошириш бўйича бош ташкилот вазифаси «Ўзмашсаноат» уюшмасининг «Ўзенгсанлойиҳа» лойиҳалаш институти (4-ДЛИ)га юклансин.

«Ўзенгсанлойиҳа» лойиҳалаш институти (4-ДЛИ)га, барпо этилаётган корхонанинг мулкчилик шаклидан ёки қайси идорага қарашли эканлигидан, шунингдек, маблағ билан таъминланиш, манбаларидан қатъи назар, пахтани қайта ишлаш корхоналарини қуриш, қайта қуриш, техника билан қайта жиҳозлаш масалалари бўйича комплекс хулосаларни уларнинг техник-иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиш ва беришни амалга ошириш юклансин.

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари Ю. Ф. Пайгин, Б. С. Ҳамидов ўртоқлар «Ўзенгсанлойиҳа» лойиҳалаш институти (4-ДЛИ) тузилмасида тегишли бўлинмаларни ташкил этиш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал этсинлар.

2. Пахта толасидан фойдаланиш балансларини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш бўйича махсус комиссия тузилсин.

Комиссияга қуйидагилар юклансин:

пахта толасини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш, шу жумладан, МДҲ мамлакатларига ҳамда экспортга чиқариш балансларини ишлаб чиқиш;

пахта толасини қайта ишлаш корхоналарини жойлаштириш масалаларини кўриб чиқиш, шунингдек, бош ташкилот — «Ўзенгсанлойиҳа» лойиҳалаш институти (4-ДЛИ) хулосалари асосида рухсатномалар бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

пахта толасини қайта ишлаш корхоналарини қуриш фақат кўрсатиб ўтилган комиссия рухсати билан амалга оширилади;

пахта толасини қайта ишлаш объектларини қуриш ва қайта қуришни банклар томонидан маблағ билан таъминлаш юқорида қайд этилган комиссиянинг рухсатномаси ҳамда объектни қуришнинг (қайта қуриш ёки техника билан қайта жиҳозлашнинг) техник-иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги тўғрисида бош ташкилот — «Ўзенгсанлойиҳа» (4-ДЛИ) томонидан бериладиган хулоса мавжуд бўлгандагина амалга оширилади.

Белгиланган тартиб бузилган тақдирда лойиҳалаш, қуриш бўйича барча харажатлар, шунингдек, тузилган шартномалар бўйича жарима санкциялари шахсан мазкур корхоналарни қуриш тўғрисида қарор қабул қилган шахслардан ундириб олинсин.

4. «Ўзенгсанлойиҳа» лойиҳалаш институти (4-ДЛИ) манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда, хом ашёдан комплекс фойдаланиш, ишлаб чиқариш қувватларини самарали банд этиш, республиканинг экспорт потенциалини ошириш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, республикада пахтани пухта қайта ишлашнинг бутун технологик циклини қамраб олувчи корхоналарни жойлаштириш, лойиҳалаш ва қуриш ишларини ташкил қилиш тўғрисида таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. М. Муталов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Б. М. Мустафоев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 25 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбек халқининг маънавияти ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлидаги беқиёс хизматлари учун мукофотлансин:

"МУСТАҚИЛЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН

Абдулла Қодирий (Жулқунбой) — халқ ёзувчиси (марҳум)

2. Фидокорона меҳнати, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун мукофотлансин:

"ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН

Алиев Абдурасул — Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги қирғиз миллий маданият маркази раҳбари

Афанасьева Ираида Дмитриевна — Самарқанд шаҳридаги 45-мактаб директори

Аҳмедов Бўри — Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бош илмий ходими, Тошкент шаҳри

Аширбеков Уббиниёз — Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси

Ашурова Мастурахон — Тошлоқ тумани Б. Шерматов номидаги жамоа хўжалиги бригадири, Фарғона вилояти

Аюпов Солих Аюпович — Яккасарой туманидаги "Яккасарой-2" маҳалла йиғини оқсоқоли, Тошкент шаҳри

Орипов Тўхта Одинович — "Ўзшаҳарқурилиш" ишлаб чиқариш бирлашмаси Қарши уйсозлик комбинати бригадири, Қашқадарё вилояти

Бўронов Сулаймон — "Муборакгаз" газ қазиб чиқариш бошқармаси "Кўкдумалоқ" кони бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Байрамова Зийнат Болтабоевна — Қўшкўпир тумани О. Қурбонов номидаги жамоа хўжалиги сут соғувчиси, Хоразм вилояти

Воҳидов Эркин Воҳидович — халқ шоири

Жўраев Хурсанд — 1-қурилиш-монтаж трести 253-механизациялашган кўчма колонна сувоқчиси, Сурхондарё вилояти

Деҳқонов Олимжон — Вилоят сув хўжалиги бирлашмасининг етакчи муҳандиси, Фарғона вилояти

Екель Теодор Давидович — "Видергербург" немис миллий маданияти маркази раиси, Тошкент шаҳри

Ёқубов Одил — халқ ёзувчиси

Жалолов Абдураҳмон — Ромитан Тумани Рудакий номидаги 24-мактаб директори, Бухоро вилояти

Исроилова Зулфия — халқ шоири

Қайипбергенов Тўлепберген — халқ ёзувчиси

Камолова Ойим — Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси

Қорибоев Кенжа — Томди тумани "Томди" жамоа хўжалигининг "Жингилди" 2-фермасининг катта чўпони, Навоий вилояти

Каримова Турсуной Раҳматуллаевна — Андижон вилоят Фахрийлар кенгаши раиси

Кучерский Николай Иванович — Навоий кон-металлургия комбинати директори

Мирзаев Маҳмуд Мирзаевич — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги

Муҳаммаджонов Зокир — халқ артисти

Муҳаммадиева Норой — Бахмал туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Орипов Абдулла — халқ шоири

Пак Виктор Тарасович — Ўрта чирчиқ тумани Ким Пен Хва номидаги халқ корпорациясининг вице-президенти, Тошкент вилояти

Рапиғалиев Бургутали — Наманган вилояти ҳокими

Раҳматуллаева Ҳамида Рихситиллаевна — Тошкент тўқимачилик комбинатининг назоратчиси, Тошкент шаҳри

Сафиулина Роза Юнисовна — "Тошкентқурилиш" давлат-акционерлик қурилиш корпорацияси "Тошмахсуспардозқурилиш" трестининг 76-қурилиш бошқармаси бригадири

Сигедин Виталий Николаевич — Олмалиқ кон-металлургия комбинати директори, Тошкент вилояти

Фармонов Тўхта — "Ўзбекнефтгазгеология" давлат геология корхонаси Косон нефть-газ қидирув экспедициясининг бургилаш устаси, Қашқадарё вилояти

Фозилов Ҳосил Фозилович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Тошкент техника университети профессори

Шоносиров Шоанвар Шоакбарович — "Тошкентқурилиш" давлат-акционерлик қурилиш корпорацияси 12-трестининг 50-қурилиш бошқармаси бригадири

Шубин Иван Семёнович — В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси цех бошлиғи, Тошкент шаҳри

Юлчураев Уммат Акчураевич — Гулистон шаҳридаги 25-автопарк ҳайдовчиси, Сирдарё вилояти

Юсупов Шукурулло — халқ шоири

3. Ҳарбий бурчини бажариш, республикада миллий хавфсизликни таъминлаш ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш чоғида жасурлик ва матонат кўрсатганлиги учун мукофотлансин:

"ЖАСОРАТ" МЕДАЛИ БИЛАН

Абдурахмонов Шоймардон Қудратович (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиси

Омонқулов Оролбой Тошаевич — Тошкент шаҳар Сиргали тумани ички ишлар бўлими жиноят-қидирув бўлими оператив вакили

Ахмедов Моҳиржон Хомидович — Наманган вилоят Совет тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлими бошлиғи

Аҳметов Сейдулла — Бухоро вилоят суди аъзоси

Бобоёров Ғулом — Жиззах вилоят суди раисининг ўринбосари

Брагинский Владимир Семёнович — Мудофаа вазирлиги артиллерия қўшилмаси командири

Ғофуров Комил (марҳум) — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи

Ғуломов Абдусамат Ваҳобович — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси жамоат тартиби хизмати профилактика бўлими катта инспектори

Жуманов Марат Купаевич (марҳум) — Мудофаа вазирлиги мото-ўқчи қўшилмаси командирининг ўринбосари

Дўсмуродов Қувон Алиевич — Қизириқ туман судининг раиси, Сурхондарё вилояти

Жалолов Рашид Хурсанович — Мудофаа вазирлиги авиация қисми командирининг ўринбосари

Золотарев Сергей Кондратьевич — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми бўлинмаси бошлиғи

Золотих Валерий Иванович — Мудофаа вазирлиги авиация эскадрильяси командири

Иброҳимов Жабборбек Тожиевич (марҳум) — Тошкент вилоят Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими маҳкамадан ташқари соқчилик бўлими ҳайдовчи милиционери

Ирисов Баходир Саҳодиллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Қодиров Алишер Исмоилович — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув бўлими катта оператив вакили

Хўжаназаров Алланиёз Султонмуродович — Хўжайли туман суди раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Мавлонов Рашид Мажитович — Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармасининг бўлим бошлиғи

Мадаминов Маъмур Маҳмудович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мадаминов Сайдулла Абдуқуддусович — Мудофаа вазирлиги авиация қисми командири

Маккамбоев Абдулатиф Абдутолибович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Маҳмудов Владимир Носирович — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти бошлиғи

Мингбоев Убайдулло Қурбонович — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Мирсафоев Сирожиддин Мирсафоевич — Ўзбекистон Республикаси бош прокурорининг биринчи ўринбосари

Носиров Аҳат Ҳамзиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Низомов Камолиддин Жамолович — Мудофаа вазирлиги танк батальони командирининг ўринбосари

Пайғамбаров Эсонбой Алимович (марҳум) — Наманган вилояти Норин туман ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи

Панов Валерий Евгеньевич — Мудофаа вазирлиги учувчилар экипажи кема командири

Покровский Александр Георгиевич — Мудофаа вазирлиги артиллерия қўшилмаси командири

Ражабов Абдуғаффор Абдуҳамидович — Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидируви катта оператив вакили

Раҳимов Ҳайдар Хўжаевич — Мудофаа вазирлиги авиация эскадрильяси командирининг ўринбосари

Ремизов Максим Евгеньевич (марҳум) — Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг штурман-учувчиси

Собиров Рўзибой Каримович — Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ички ишлар бўлимининг участка назоратчиси

Савицкий Лев Васильевич — Мудофаа вазирлиги авиация қисми командирининг ўринбосари

Соболев Борис Николаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Соловьёв Олег Валентинович — Мудофаа вазирлиги авиация қисми звено командири

Сувонов Ўрол Чоршанбоевич — Сурхондарё вилоят прокуратурасининг криминалист прокурори

Сушевский Александр Михайлович — Мудофаа вазирлиги вертолет эскадрильясининг катта учувчиси

Тошматов Баходир Ҳамидович — Мудофаа вазирлиги алоҳида мотоўқчи батальони командири

Федоренко Игорь Владимирович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси алоқа хизмати бошлиғининг ўринбосари

Филатов Александр Алексеевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳайдаров Нурмуҳаммад Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг катта терговчиси

Харламов Александр Николаевич — Мудофаа вазирлиги ҳарбий ҳаво кучлари бўлим бошлиғи

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда).

Ҳасанов Бекмирза Холмирзаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хотамқулов Камолжон Алиқулович — Сирдарё вилояти Меҳнатобод туман ички ишлар бўлими жиноят қидирув гуруҳининг оператив вакили

Худойбердиев Ўткир Ҳасанович — Мудофаа вазирлиги мотоўқчи қўшилмаси алоқа ротаси командири

Худойқулов Азиз Собитович — Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг бошқарма прокурори

Шафигулин Ноил Нагимович (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Шоумаров Маҳмуд Илёсович — Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг катта прокурори

4. Кўп йиллик ҳалол меҳнати, иқтисодиёт, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги, ёш авлодни ватанпарварлик, республика миллий мустақиллиги ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун мукофотлансин:

"ШУҲРАТ" МЕДАЛИ БИЛАН

Абдураҳмонов Пўлат Мажидович — Самарқанд вилояти ҳокими

Абдиров Чаржов — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Қорақалпоғистон Республикаси Фанлар академияси экспериментал клиника институти директори

Азимов Ботир Жўраевич — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академияси академик-котиби

Азимов Жўрабой — Жомбой тумани Х. Низоматов номидаги жамоа хўжалиги звено бошлиғи, Самарқанд вилояти

Айдарқулов Абдухолиқ Абдураҳмонович — Навоий вилояти ҳокими

Акбаров Парпихон — "Агросаноаткурилиш-2" трести 149-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннаси бригадири, Наманган вилояти

Акрамов Аҳмад Аъзамович — Чирчиқ трансформатор заводи электр пайвандчиси, Тошкент вилояти

Аҳмедов Муҳаммад Исматович — Бухоро туманидаги "Маданият" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Бухоро вилояти

Аҳмедов Одилжон — Избоскан туманидаги 119-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи, Андижон вилояти

Аҳмедов Раҳим — халқ рассоми

Аҳмедов Темир — "Ўзбекбурғигаз" бурғи ишлари трести Бухоро бошқармаси бурғилаш устаси, Бухоро вилояти

Бобонов Ўктам Қувондиқович — Жиззахдаги 2517-автокорхона ҳайдовчиси, Жиззах вилояти

Бозоров Рашид — Қамаши тумани ҳокими, Қашқадарё вилояти

Бурхонов Мутал Музаиннович — бастакор

Габдуллин Талгат Галимьянович — Навоий кон-металлургия комбинати мухандис-кон механиги, Навоий вилояти

Галикеев Чингиз Губайдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академияси мутахассиси

Ғофуров Кабиржон Аминжонович — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки иқтисодий ахборот ва статистикани таҳлил қилиш департаменти бошлиғи, Тошкент шаҳри

Глушенко Алексей Данилович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, механика ва биноларнинг зилзилага бардошлиги институти лабораторияси мудири

Григорьянц Валентина Гайковна — Бухоро шаҳар киновидео бирлашмаси мудири, Бухоро вилояти

Жамолов Иброҳим — Навоий кон-металлургия комбинати машинасозлик заводи электр пайвандчиси, Навоий вилояти

Жуманиёзов Маркс — Хоразм вилояти ҳокими

Жўраев Суннат Маматмуқумович — Жиззах устки трикотаж фабрикаси тикув машиналари созловчиси, Жиззах вилояти

Жўраев Хабибулла Усмоналиевич — "Ўзбеколмосолтин" уюшмаси Ангрен олтин қазиш кони олтинни ажратиб олиш фабрикаси тегирмони машинисти

Думлер Валерий Константинович — Жиззах вилояти автотранспорт давлат акционерлик бирлашмаси директори

Ёриев Равшан — Каттақўрғон театрининг бош режиссёри, Самарқанд вилояти

Жабборов Жуманиёз — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат мукофотлари қўмитаси масъул котиби

Жапаков Каримбой Жапакович — Қўнғирот туманидаги 63-автотранспорт корхонаси ҳайдовчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жолаева Роза Бектошевна — Нукусдаги "Тўзал" якка буюртмалар бўйича кийим тикиш ижара корхонаси директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Жўраев Раҳмон Пардабоевич — Фориш тумани М. Орлов номидаги хўжалик бош чўпони, Жиззах вилояти

Закарянц Адольф Гайкович — Ўзбекистон Республикаси Энергатика ва электрлаштириш вазирлиги электростанциялар ва иссиқлик тармоқларидан фойдаланиш ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи

Зокирова Мастура — С. Раҳимов туманидаги 21-болалар поликлиникаси бош врачи, Тошкент шаҳри

Зинин Вячеслав Иванович — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги монополияга қарши ва нарх сиёсатини ўтказиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

Зинин Сергей Иванович — рус маданияти марказининг раиси, Тошкент шаҳри

Зоирова Сайёра Ҳазратқуловна — Қашқадарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси нашри "Нафосат" газетаси муҳаррири

Иваненко Наталья Даниловна — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академияси механизациялаш, электрлаштириш ва автоматлаштириш бўлими илмий котиби, Тошкент шаҳри

Эгамбердиева Санъат Йўлдошевна — Фарғона вилоят касалхонаси ревмотолог шифокори

Иминов Абдуманноп Бадалович — Жалолқудуқ туманидаги "Пахтакор" жамоа хўжалиги бригадири, Андижон вилояти

Икромов Шахит Асқарович — Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси гидрогеология ва геология бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри

Исмоилов Раҳим — Навоий туманидаги "Ҳазора" жамоа хўжалиги фермери, Навоий вилояти

Эшонқулов Муҳаммадамин — Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишчиси, Тошкент вилояти

Камолов Собир — академик, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси

Каримов Дадақўзи — Зангиота туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги бош агрономи, Тошкент вилояти

Қодиров Пиримқул — халқ ёзувчиси

Қодиров Тоҳиржон Одилович — Оқолтин туманидаги "Фарғона" биринчи ширкат бирлашмаси ижарачи механизатори, Сирдарё вилояти

Қориева Бернора Раҳимовна — халқ артисти

Қуллиев Бахтиёр Абдуллаевич — Дўстлик тумани М. Дадажонов номидаги кооператив бирлашма механизатори, Сирдарё вилояти

Қўноқбоев Омонгелди — Томди туманидаги марказий касалхона юқумли касалликлар бўлими мудири, Навоий вилояти

Қурбонов Аҳмад Шарипович — "Муборакгаз" газ-кон бошқармаси технология қурилмалари оператори, Қашқадарё вилояти

Кўчимов Абдусаид — Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

Лян Ревмир — Корейс маданият маркази раиси, Фарғона вилояти

Маматхонов Маҳмуджон — "Мингбулоқнефть" бирлашмаси бурғичи ёрдамчиси, Наманган вилояти, Чортоқ иумани

Марасулов Зокир — Фарғона нефть базаси ҳайдовчиси, Фарғона вилояти

Мамедов Исмоил Рустам ўғли — Озарбайжон маданият маркази раиси, Тошкент шаҳри

Маткаримова Тўлғаной — Андижондаги "Чинор" акционерлик бирлашмаси тикувчиси, Андижон вилояти

Маҳкамов Азим — Паркент тумани электр алоқа линиялари муҳандиси, Тошкент вилояти

Митрофанов Александр Сергеевич — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқ хўжалигидаги ҳуқуқий ишлар бошқармаси бошлиғи, Тошкент шаҳри

Мўминов Қобил — Муборак газни қайта ишлаш заводи цех бошлиғининг ўринбосари, Қашқадарё вилояти

Мусахонов Абдулмухтор — Учқўрғон тумани Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги бригадири, Наманган вилояти

Мухторов Абдураим — Самарқандда жойлашган У. Жўракулов номидаги "Усто" вилоятлараро бирлашмаси устаси, Самарқанд вилояти

Назаров Абдураҳмон — Норин туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ниёзметов Қобул — "Хоразмсовхозсувқурилиш" терсти 1-механизациялашган кўчма колоннаси гишт терувчиси, Урганч шаҳри, Хоразм вилояти

Ниёзова Салима — Сариосиё туманидаги "Ленинград" жамоа хўжалиги бригадири, Сурхондарё вилояти

Ноздрин Владимир Васильевич — "Ўзмонтажмахсусқурилиш" уюшмаси аппарати ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри

Номозов Икромиддин — Бағдод туманидаги "Пахтакор" жамоа хўжалиги бригадири, Фарғона вилояти

Нуриддинов Алик Саидович — Бекобод металургия комбинати прокат цехи ишчиси, Тошкент вилояти

Нормуродов Абдурашид — Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси "Ёшлик" студияси бош муҳаррири

Осипова Зинаида Дмитриевна — трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

Отабоева Бекпошша — Урганч туманида жойлашган С. Қаландаров номидаги мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Отажонов Ибот Абдуллаевич — "Ўзбекқишлоқхўжаликмашинасозлиги" ишлаб чиқариш бирлашмаси электр пайвандчиси, Тошкент шаҳри

Полвонова Хурсанд Чориевна — Қарши тумани С. Раҳимов номидаги жамоа хўжалиги сут соғувчиси, Қашқадарё вилояти

Пўлатов Абдуллажон — "Ўзолмосолтин" уюшмаси Чодак олтин конидаги "Пирмироб" шахтаси ишчиси

Ражабов Нажим — "Махси" акционерлик жамияти ишчиси, Самарқанд вилояти

Рамазонов Боймурод — Бухоро тумани У. Юсупов номидаги жамоа жўжалиги бригадири, Бухоро вилояти

Расулев Ўткир Ҳасанович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, У. Орипов номидаги электроника институти директори

Раҳимов Акбархўжа Комилович — "Ўзбекнефтегаз" миллий корпорацияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари, Тошкент шаҳри

Раҳимов Носир — "Андижоннефть" бошқармаси бошлиғи, Андижон вилояти

Рўзиқулов Ўрол Жўраевич — Термиздаги 53-автобус — таксомотор парки ҳайдовчиси, Сурхондарё вилояти

Садриддинов Исроил — "Қизил Шарқ" маҳалла қўмитаси раиси, Наманган шаҳри

Самадова Мавжуда Саидовна — пенсионер, Тошкент шаҳри

Саримсоқов Убайдулла — Гулистон туманидаги "Қизил тонг" жамоа хўжалиги фермери, Сирдарё вилояти

Слесаренко Валентин Афанасьевич — "Ўзнефтниқайтаишлаш" давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси бурғилаш қурилмаси бошлиғи, Фарғона шаҳри

Темиров Ҳазрат — Яккабоғ туманидаги "Қизил Юлдуз" жамоа хўжалиги бригадири, Қашқадарё вилояти

Тешабоев Нормуҳаммад Ашуралиевич — Асака шаҳридаги 5-мактаб директори, Андижон вилояти

Толипов Содиқжон Ортиқович — "Тошкентшаҳарнур" бошқармаси бошлиғи, Тошкент шаҳри

Тўйчиева Сайринисо — Сирдарё тумани Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги бригадири, Сирдарё вилояти

Тўлаганов Козим Носирович — Тошкент шаҳри ҳокими

Турдиев Оллоберди Эгамбердиевич — "Фарғонадон" ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси, Фарғона вилояти

Ўлмасов Хожиқурбон Жўраевич — "Ўзбекбурғигаз" трести Бухоро бурғи ишлари бошқармаси бурғилаш устаси, Бухоро вилояти

Умаров Жумабой Шералиевич — Сайхунобод туманидаги "Пахтакор" кооператив хўжалиги бригадири, Сирдарё вилояти

Улуғова Муҳтарама Маматхоновна — журналист

Усмонов Абдураҳмон Исроилович — Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги капитал қурилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

Файзуллаев Равшан Фатхуллаевич — "Тошшаҳарйўловчитранс" давлат уюшмаси бошқаруви раиси, Тошкент шаҳри

Хабибов Салим — Нарпай тумани Бобур номидаги кооператив бирлашма бошқаруви раиси, Самарқанд вилояти

Ҳакимов Акрам — Навоий шаҳридаги 34-автотранспорт корхонаси ҳайдовчиси, Навоий вилояти

Ҳакимова Раҳима — Самарқанд тумани ҳокими, Самарқанд вилояти

Ҳоллиев Шотурди — Термиз шаҳридаги 1-марказий вилоят касалхонаси урология бўлими мудири, Сурхондарё вилояти

Ҳўжаев Шабот — Республика меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси раиси

Хусанхўжаев Саидаҳмад (Саид Аҳмад) — халқ ёзувчиси

Хушвақтов Ҳори — Бандихон туманидаги "Пахтакор" жамоа хўжалиги бригадири, Сурхондарё вилояти

Чиноров Рисолат — Иштихон туман фельдшерлик пункти фельдшери, Самарқанд вилояти

Шомуротов Толибой — "Оролсувқурилиш" трести Чимбой механизациялашган кўчма колоннаси бульдозерчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Шаҳрамова Меҳрижон Илҳомовна — Янгийўлдаги "Кичкинтой" акционерлик жамияти тикувчи-мотористи, Тошкент вилояти

Шоабдураҳмонов Шоназар — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, тилшунослик институти маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

Эрназаров Абдусаттор — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси олий малака комиссияси раиси

Йўлдошев Шуҳрат — Ўрта Осиё темир йўли ягона диспетчерлик маркази бошлиғи, Тошкент шаҳри

Ёқубова Риски — Оққўрғон туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Янгибоев Саъдулла — Янгибозор туманидаги 8-автокорхона ҳайдовчиси, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 25 август.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигига

ШУКРОНА АЙТАЙИН ҲАЁТ НОМИДАН

Бисёр бўлса агар бол ҳам бекадр,
Такрор айтилганда рангсиздир калом.
Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,
Биттадир дунёда Она деган ном...

Бу сатрлар Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг Қашқадарё вилояти меҳнат аҳли билан учрашувлари руҳини тўла ифодалайди, десак хато қилмаган бўламиз. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши йўлланмаси билан бу ерга келган шоир кўпсонли мухлислари ҳузурида ўз мустақиллигининг уч йиллигини нишонлаётган Ўзбекистон, унинг бунёдкор одамлари ҳақида мароқ билан сўзлаб, истиқлол ва Ватан мавзуидаги шеърларидан ўқиди. Улар бамисли истиқлолга ҳаёт номидан айтилган шукроналаридир.

Вилоят маркази — Қарши шаҳрида хотин-қизлар кенгаши фаоллари билан бўлган учрашувда Она ва Ватан мавзуидаги шеърхонлик мустақиллик ҳақидаги жўшқин мулоқотга уланиб кетди.

Абдулла Орипов Қарши даштининг қоқ марказида жойлашган Касби туманидаги Ҳамза Хўжақулов номли жамоа ширкат хўжалиги деҳқонлари ҳузурига ташриф буюрди. Ҳурриятнинг уч йиллигини катта ўзгаришлар билан кутиб олаётган қишлоқ аҳли ила суҳбат ва учрашувлар хўжалиқ маданият саройида катта шеърхонлик билан якунланди. Вилоят партия кенгаши биринчи котиби Фармон Омонов, шу хўжалик раиси Эргаш Турсунқулов, мактаб ўқитувчиси Малҳам Қиличева ва бошқа шеърият мухлислари учрашувда сўзга чиқиб, истиқлол шарофати ҳақида гапирдилар.

Бўри НОРҚОБИЛОВ,
Қашқадарё вилоят партия кенгаши ижтимоий-сиёсий маркази мудири.

ҚИЗИҚАРЛИ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг байрамолди ташаббуси билан вилоятларга ташриф буюрган олимлар, фан арбоблари, ёзувчилар ҳамда тарғиботчилар меҳнаткашлар билан қизиқарли учрашув ва суҳбатлар ўтказишяпти. Жумладан, Навоий вилоятига келган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори муовини, ҳуқуқшунослик фанлари доктори М. Файзиев, Ядро физикаси институти бўлим мудири, академик Р. Бекжонов вилоятнинг қатор туманларида бўлишди. Айниқса, Навбаҳор тумани ҳокимлиги биносида ўтган учрашув мароқли бўлди. Тарғибот гуруҳи аъзолари бу ерга тўпланган кенг жамоатчилик вакиллари, партия фаоллари, халқ депутатлари билан қизиқарли ва мунозарали мулоқот ўтказдилар.

Учрашувда сўзга чиққанлар дориломон кунлар келганидан, республика раҳбарияти олиб бораётган одилона ички ва ташқи сиёсатдан мамнун эканликларини изҳор этишди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ТАЯНЧ ТАШКИЛОТ

Ўзбекистон ХДП Пайариқ туман кенгаши вилоятда таянч ташкилотлардан ҳисобланади. Бу ерда 2 минг нафар партия аъзоси бор. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси, Халқобод ижара хўжалиги раиси М. Қўшбоев, Самарқанд вилоят партия кенгаши ижроия бюроси аъзоси, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Э. Аҳадовлар ҳамиша партиявий ишларга бош-қош. Қолаверса, туман ҳокими С. Бойзоқов ҳам туман партия кенгаши билан яқин муносабатда.

— Биз доим у ёки бу лавозимга кадрлар танлашда ХДП туман кенгашининг фикрини, тавсияларини ҳисобга оламиз, — дейди ҳоким. — Фақат бугина эмас, ўз навбатида партия кенгаши ходимлари ва фаоллари ҳам туманда иқтисодиётни юксалтириш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда ҳокимликка яқиндан ёрдам бермоқдалар...

Бу ҳақда вилоят партия кенгаши ижроия бюросининг Пайариқда бўлган семинар-кенгашида атрофлича фикр юритилди. Анжуман қатнашчилари Т. Жўраев ҳамда «Гўзал» маҳаллалари, Ўзбекистон — Америка «Сангзор» қўшма корхонасининг Пайариқ филиали ва маҳаллий саноат корхонаси бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ўргандилар. «Туркистон» ширкатлар уюшмасида, шунингдек, туман марказидаги деҳқон бозорида аҳоли билан суҳбатлар уюштирилди. Жойларда 20 нафар йигит-қизларга партия билетлари топширилди. «Озода» болалар боғчаси кичкинтойларига эса вилоят партия кенгаши номидан совғалар улашилди.

Туман партия кенгашининг биринчи котиби Ф. Хўжанафасов аҳоли турар жойларида ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларни уюштириш борасидаги тажриба ҳақида сўзлаб берди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХИРМОНГА БАРАКА

● СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Шеробод туманидаги В. Қодиров номли жамоа хўжалиги деҳқонлари пахта теримини бошладилар.

Вилоят пахтакорлари бу йил 400 минг тоннали хирмон кўтаришмоқчи. Ҳозир пахта пайкалларида ҳосил нишоналари қийғос очиляпти. Хўжалик деҳқонлари эса бу йил 7500 тоннали ҳосил кўтаришга аҳд қилганлар. Айни пайтда вилоятнинг Жарқўрғон, Музработ ва Денов туманларида ҳам пахта терими бошланди.

Абдуғаффор ОДИНАЕВ.

Ангор туманидаги «Навбаҳор» жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил 776 гектар ерда нипак пахта ўстиришмоқда. Эрта баҳордан қилинган ҳалол меҳнат ўз самарасини кўрсатди. Барча пайкалларда мўл ҳосил тўпланди, пахта қийғос очиляпти.

Айни кунларда миришкорлар ҳосилни танлаб теришни бошлаб юборишдилар. Далаларда 600—650 киши зарбдорчасига тер тўкмоқда. Шунинг учун ҳам кунига хирмонга 30—35 тонна юқори сифатли «оқ олтин» топширилаётир.

Ўзаро меҳнат беллашувида уч дугона Малика Сувонова, Дилдора Хидирова ва Завро Сувоновалар пешқадам. Уларнинг ҳар бири кунига хирмонга 100 килограммдан ошириб пахта топширишаётир.

И. ХУЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Азиз ҳамюртлар!

Мўътабар айём-жонажон Ўзбекистонимиз давлат мустақиллигининг уч йиллиги байрами муборак бўлсин!

Хонадонингизга тинчлик, қут-барака, ҳар бирингизга мустаҳкам соғлиқ, келажаги буюк Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!

Юртимизда мулкчиликнинг турли шаклидаги иқтисодиётни ривожлантириш жараёнида сиз мулк соҳиби бўлиб республикамиз равнақи ва ўз фаровонлигингизга эришишда биз сизга доимо ҳамкормиз.

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси.
Республика кўчмас мулк биржаси.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6.
Телефонлар: (3712) 67-32-71, 68-17-55, 68-44-56.

КЎҲНА МАСКАН ШУКУҲИ

Шайхонтоҳур мамлакат пойтахтининг кўҳна масканларидан бири. Бу ерда халқимизнинг узоқ тарихи ва маданиятида ўчмас из қолдирган кўплаб аллома донишманд кишилар яшаб, ижод қилиб ўтишган. Улар ўз замонасида бугунги истиқлолимиз учун муносиб курашганлар. Туман ҳокимлиги ва аҳолиси мустақиллигимизнинг 3 йиллигига муносиб тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказар экан, байрам шодиёналари шукуҳи ўша донишманд ота-боболаримизнинг руҳ поклари шод бўлиши учун ҳам ҳаракат қилмоқда. Тумандаги 60 маҳаллада ободонлаштириш ва орасталаш ишлари олиб борилди.

Мустақиллик байрами шодиёналари туманнинг Анҳор соҳили, Хадра майдони, Шоирлар хиёбони ва Ибн Сино мавзесида муносиб ўйин-кулгилар билан шарафланади.

Сайдали СУЛТОНОВ.

● ЯНГИ АНЪАНАЛАР

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

● АНДИЖОН (мухбиримиздан). Вилоят адлия бошқармаси ва шаҳар Бахт уйи ташаббуси билан Шарифбой гузаридa уч авлод учрашуви бўлиб ўтди.

Истиқлол байрамининг уч йиллигига бағишланган бу тадбир янгича анъаналар сирасига кириши билан кўпчиликка маъқул келди. Йиғиннинг мазкур гузарда ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Боиси, унинг ишга туширилганига кўп бўлгани йўқ. Бу ниншоотнинг бир қисми шаҳар Бахт уйи ихтиёрига берилган. Шунинг учун ҳам гузар ҳамиша гавжум.

Хусусан, «Бирлик» маҳалласида 550 хонадон бўлиб, 2,5 минг аҳоли яшайди. «Олтин тўйи»ни нишонлаб, турмуш кечираётган пиру — бадавлат оилалар ҳам етарли. Тўрахонҳожи ва Мушаррафхон Мадазимовлар шулар жумласидан. Улар турмуш қуришганига 50 йилдан ошди. Шаҳрихон кўчасидаги 85-уйда истиқомат қилувчи Каримжон Абдунабиев билан Турсуной Рашидова турмуш қурганига 25 йил тўлди. Буларни бир варакайига нишонлашга аҳд қилинди. Табиий равишда уч авлод учрашуви юзага келди.

Олтин ва кумуш тўйлар кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Тўйга тўй уланади, деганларидек Раҳмонали Неъматов билан Зиёдахон Ҳошимоваларнинг никоҳ маросимлари қўшилиб кетди. Ўзига хос тантана охирида Каримжон аканинг невараси Шаҳнозага туғилганлик ҳақида гувоҳнома топширилди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида сўзлаган нутқига «Тўғрилик ва фидойилик-фаолиятимизнинг бош мезони» деб сарлавҳа қўйилиши бежиз эмас. Мамлакатимиз халқи, унинг фидойи ва матонатли фуқаролари ўз келажагини ва тақдирини ўз қўллари билан яратаётган ҳозирги сермазмун ва маъсулиятли даврда оддий ишчидан тортиб маъсул раҳбаргача юртимизда кечаётган ҳар бир жараёнда фаол, чинакамига куйиб-ёниб ишламоқда, аслида мустақиллигимиз эълон қилингандан бери ўтган уч йил давомида ўлкамизда улкан ижтимоий сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди. Миллий давлатчилик, миллий истиқлол мафкураси, маданий ва тарихий қадриятлар, тил ва эътиқодни қайта тиклаш йўлида салмоқли ишлар бўлаётир, миллатимизда чинакам ватанпарварлик тўйғуси кучаймоқда.

ИШНИНГ ЎЗИНИ, КЎЗИНИ БИЛИБ...

Ҳа, улуғ шоиримиз Ғафур Ғулом лўнда қилиб: «Тақдирин қўл билан яратур одам, Ғойибдан келажак бахт бир афсона» дея каромат этганидек, бугунги кунда халқимиз зиммасига ўз тақдирини ва ўз келажагини тўғрилик ва фидойилик сингари абадий қадриятлар заминида яратиш масъулияти тушаётир.

Халқимизнинг диққат-эътиборида бўлган нутқида давлатимиз раҳбари ўз тараққиёт йўлимизни аждодларимизнинг ҳаётий тажрибаларига ва тараққий этган мамлакатларнинг ютуқларига таянган ҳолда давом эттиришни алоҳида таъкидлади. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларни ўтказишдаги беш қатъий ва синашта тамойиллар ва таклифларга меҳнаткаш манфаатини ҳимоя этган ҳолда тадрижий тараққиёт нуқтаи назаридан ёндошиш ҳам айнан шу асосга мослангандир. Шуни дадил айтиш мумкинки, эндиликда мазкур тамойилларнинг тадқиқ этила бошланиши мамлакатимиз ва минтақамизда барқарорликни, жамиятда осойишталик ва ҳамжиҳатликни, иқтисодда ислоҳотлар ўтказиш имкониятларини сақлаб қолди, эзгу ният билан самарали меҳнат қилишнинг ишончли заминини ҳозирлади. Хуллас, янгича иқтисодий муносабатлар ҳаётимизга кенг қанот ёзиб кириб келмоқда. Иқтисодни бошқариш услуби ўзгариб дунё билан ҳамкорликка шай хусусий мулкка асосланган кўп тармоқли иқтисод юзага келаётир. Жаҳоннинг илғор тажрибаларига таянган, бозор муносабатларига мўлжалланган янги молиявий банк-кредит тизими, тижорат асослари шаклланди.

Маълумки, 1994 йилнинг 1 июлидан Ўзбекистонда миллий валюта — сўм муомалага киритилди. Шу муносабат билан боғлиқ фармон ва қарорларда кам таъминланган аҳолининг давлат ҳимоясига олиниши халқимиз томонидан маъқулланди.

«Миллий валюта — бу миллий ифтихор, бизнинг валютамиз қуввати ва ишончлилиги тайёр маҳсулот таъминоти, олтин заҳираси ва бошқа кўп манбалар билан белгиланади», — деди республика Президенти ўз нутқида. Мамлакатимиз раҳбари айни чоғда пулни асраш, ундан самарали ва тежамли фойдаланиш, эмиссияни камайтириш мақсадида пул айланишини тезлаштириш каби етакчи омилларга алоҳида урғу берди. Миллий давлатчилигимизнинг асосий қисмларидан бири бўлмиш миллий валютамиз катта куч ва салоҳиятга эга бўлиши учун, мамлакатимиз аҳли бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоғи лозим.

Халқимизнинг тарихий ва замонавий обидалари суврати забт этилган миллий валютамиз кўп босқичли ҳимояга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Миллий пул бирлиги — сўмнинг чинакам ҳимояси ва бели бақувватлиги янгича муносабатлар босқичига қадам қўяётган мамлакат халқ хўжалиги — кўп тармоқли иқтисодиёт заминида таъминланади. Республика Вазирлар Маҳкамасининг ўтган ойнинг охирги кунларида бўлиб ўтган мажлисида юртбошимиз таъкидлаганидек: «Инфляция — пул қадрсизланишини қайси сабаблар юзага келтиради? Бу муомаладаги пул ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўртасида номутаносибликдир. Пул қадрсизланиши жараёни эса ўзини оқламайдиган имтиёзли кредитлар бериш корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини орттириш ўрнига нархни сунъий кўтаришга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Қулоғигача қарзга ботиб қолган зарар келтирувчи корхоналарга ищ ҳақи учун кредит берилиши ҳолати билан асло чиқишиб бўлмайди!»

Жамиятда кечаётган туб ва сиёсий ислоҳотлар, мустақиллик шарофати туфайли «Шарқ» деган кўркам ном олган ва халқ хўжалигида ўзига муносиб мақомга ҳамда нуфузга эга бўлган корхонамиз меҳнат жамоаси бу кунги қайноқ ҳаётда ўз аксини топаяпти.

Бозор муносабатлари шаклланиб бораркан, аввало мавжуд иқтисодий имкониятлар ва алоқаларни сақлаб қолиш, концерн иқтисодини самарали даражасини таъминлаш ва ниҳоят техника тараққиёти йўлларини излашимиз зарурлиги аёндир. Бозор иқтисодининг қонунлари ва талаблари нечоғли қатъий ва шафқатсиз бўлмасин, у кишиларни ўз иши билан асдойдил шуғулланишга, топширилган вазифага тўла маъсулият билан ёндошишга, одамлар тақдирига жавобгарликни зиммасига олишга ўргатади. Боқимандалик билан асло чиқиша олмайдиган бозор бундайларни иқтисод уммонининг қирғоғига итқитиб ташлайди. Ўзининг сермазмун нутқида ана шундай хулосаларни таъкидлаган мамлакатимиз раҳбари, иш юритишнинг янги услубига ўтиш, янги технологияни тадбиқ этиш ва иқтисодий самарага эришиш кунимизнинг долзарб талаблари сирасига киришини яна бир бор амалда намоён этади.

Республикада ноширлик ва матбаачиликни ҳар томонла ривожлантириш мақсадида ташкил этилган «Шарқ» концерни зиммасига мустақиллик шароитида аҳолининг турли матбаа маҳсулотларига эҳтиёжини қондириш, полиграфия технологияси соҳасидаги янги мосламаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш вазифаси юклатилган эди... Ўз-ўзини бошқариш, тўлиқ хўжалик ҳисоби ва бардошли тўлов тамойиллари асосида фаолият кўрсатаётган концерн зиммасига юклатилган айни вазифаларнинг тўлиқ бажарилиши юртимиз мустақиллиги шароитида муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ҳаммага маълумки, бозор иқтисодиёти айниқса матбуот ва матбаа соҳасини мураккаб аҳволга солиб қўйди. Қоғоз ва бошқа босма нашрлар маҳсулотларига эҳтиёж ортиш ва унинг савдодаги талабини ўрганиб, таҳлил этиб қаттиқ муқовали бозорбоп китоб чиқариш мақсадга мувофиқлигини тушундик. Жумладан, 1991 йилда «Колбус» линиясида 3 миллион нусха қаттиқ муқовали китоб нашр этилган бўлса, Германиянинг замонавий китоб тайёрлайдиган «Зиглох» линиясини ўрнатилганидан сўнг йилига 10 миллион нусха китоб чиқарадиган бўлдик. Шунингдек, ҳарфларни компьютерда териш цехини очишимиз туфайли шу хилдаги маҳсулот келгуси йилдаёқ 12 миллионга етказиш имкониятлари юзага келди.

Маънавий ва иқтисодий фойда келтираётган соҳа бўлганлиги учун ҳам китоб ноширчилигига кенгроқ тўхталиш жоиздир. Кўпчиликнинг ёдида бўлса керак, илгари нашриётимиз ҳар йили рус тилида икки-уч қаттиқ муқовали оммабоп китоб ва ўзбек тилида беш-олти дона шеърий дурдоналар жамланган ялтироқ муқовали совғабоп китоблар чоп этиш билан кифояланарди. Ўша йилларда концернимиз тизимида даврий бўлмаган нашр таҳририяти сифатида фаолият кўрсатган кичик жамоа эндиликда ихчам, айни чоғда бош таҳририят мақомида салмоқли бўлинма сифатида қайта ташкил этилди. Ўзбек ва рус тили бўлимларининг ижодкор ходимлари бугунги кунда мазкур тиллар қаторида инглиз тилида ҳам зарур матнлар, яқин келажакда китоблар тайёрлаш имкониятига эга бўлди.

Китоб бозори талаблари ва бизнинг ишлаб чиқариш имкониятларимиз билан яқинларини ошириш мақсадида 1995 йилда тахминан 14-16 жилддан иборат «ХХ аср ўзбек романи» туркуми ҳам ўқишли, ҳам безак жиҳатдан гўзал ва мукаммал тарзда чоп этилишига тайёргарлик ишларини бошлаб юборилди. Мумтоз ва севимли қиссаларимиз, ҳикояларимизнинг нашри эса мазкур туркумни давом эттиради.

Китобхонлар қўлига тегаётган китобларга эътибор қилган бўлсангиз, уларнинг аксарияти адибларимизнинг сўнгги йилларда ёзган асаридир. Бош таҳририятимиз адабий журналларда чоп этилган ва эл назарига тушган асарларни китобхон оммага зудлик билан катта ададда етказиб бериш йўлини танлади. Мавжуд техник ва технологик шарт-шароитларимиз бунга етарли имкон беради.

Ватанимиз мустақиллигининг уч йиллигига бағишлаб, республика «Мусаввир» бирлашмаси ижодкорлари томонидан тайёрланган, 126 мўъжаз миниатюрани ўз ичига олган «Ўзбекистоннинг бугунги ранг тасвири» альбоми босмадан чиқади. Жуда кўп рангларда жилоланган ва нозик тарҳлардан мужассам топган миниатюралар нашри бутунлай янги замон технологияси ва ижодий ёндошишни талаб этади. Бу технология ижодкорларимиз томонидан пухта ишлаб чиқилиб иш жараёнида, синовдан ўтказилмоқда. Бу нашрнинг эътиборли жиҳати шундаки, у юртимизда чоп этилган шу турдаги биринчи альбомдир. Авваллари чет эл нашриётлари ва ноширлар ҳисобига кетган эркин муомаладаги валютанинг давлатимиз ихтиёрида қолиши корхонамизнинг мамлакатимиздаги, қолаверса минтақамизда ҳам унинг нуфузини оширади деб ўйлаймиз.

Ҳозирги кунда Россияга қоғоз ва матбаа жиҳозлари учун пул маблағлари ўтказишнинг объектив қийинчиликлари туфайли мавжуд техника қувватларининг 50 фоизини ишлатишга имкон бор. Бу қувватлардан оқилона фойдаланиш қўшимча фойдани кўпайтирган, аҳолининг моддий-маънавий эҳтиёжларини тўкисроқ қондиришга хизмат қилган бўлур эди. Сўзимиз исботи учун шуни айтиш мумкинки, ҳозир мавжуд қувватлардан китоб босишда — 32,2 фоиз, журналда — 11,54, газетада — 13,47, гулқоғозлар ва бошқа босма маҳсулотлар тайёрлашда атиги — 6,23 фоиз даражада фойдаланяпмиз, холос. Агар қоғоз танқислиги бартараф этилса ва юқоридаги қувватлардан тўла фойдалана олсак, бу мамлакат учун ҳам, корхонамизга ҳам катта сармоя бўлиб тушарди.

Айрим пайтда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Шулардан бири «Зиёкор» тижорат банкимизни ташкил этиш билан боғлиқ. Банк биноси ҳам, ҳамма зарур ҳужжатлар ҳам 2 йилдан бери тахт. Таъсисчилар етарли маблағга эга. Шарт-шароит мукаммал бўлишига қарамай, асоссиз турли сабабларни рўкач қилиб, республика Марказий банкида «Зиёкор»ни рўйхатдан ўтказишни пайсалга солишмоқда.

«Зиёкор» банкининг низомида: асосий мақсад вақтли матбуотга ёрдам бериш, унинг матбаа корхонасини техник тараққиётини маблағ билан таъминлашдир дейилган. Шу олий мақсад амалга оширилса концернда нашр этилаётган 9 газета, 3 журналнинг молиявий аҳволи тузатилиб, кейинги йилларда бутунлай давлат дотациясидан воз кечиши мумкин бўларди. Минг афсуски, жуда долзарб бу масала ҳозирча ҳал бўлгани йўқ.

Ўқувчиларимизга аёнки, газеталарнинг баъзи сонлари сезиларли равишда кечикиб чиқади. Бизнинг таҳлилларимизга кўра Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги — ЎзАда, айрим кундалик газеталар таҳририятларида иш янада тўғри ташкил этилса, бундай кечикишларга чек қўйилиши муқаррар. Агентлик ўз материалларини кечи билан соат 18.00 гача юбориб, таҳририятлар эса уни графикка мувофиқ теришга туширсалар, айни муддао—газеталар эрта чоп этилиб, темир йўл, ҳаво йўллари, электр энергияси сарфи, муҳандислик тармоқларида ортиқча сарф-харажатлардан қутилиш мумкин бўларди. Бу масалада газета нашр этишга алоқадор, мутасадди ташкилотлар ёрдамига муҳтожмиз.

Фаолиятимизнинг асосий соҳаларидан бири иқтисодий ва сиёсий барқарорликдир. «Шарқ» концерни босмахонаси жорий йилнинг биринчи яримида 9,8 миллиард сўм-купон қоғоз босма маҳсулоти ишлаб чиқариб, бу соҳадаги режа 100,2 фоизга етди. Олинган умумий 11,3 миллиард сўм-купонлик фойданинг 4,6 миллиард сўмлик қисми ноширлик фаолиятидан тушди.

Иқтисодий қийинчиликлар юзага чиққан ҳозирги шароитда бу салмоқли кўрсаткичларга эришишнинг яна бир муҳим томони шундаки, пойтахтдаги айрим корхоналар ўз ишлаб чиқаришини қисқартираётган бир пайтда шундай ижобий натижа қўлга киритилди. Мисол учун 1991 йилга нисбатан қаттиқ муқовали китоб босишда 67 фоиз, юмшоқ муқовали китоб тайёрлашда 22, турли хил қоғоз босма маҳсулотлар тайёрлашда 25 газета ва журнал босишда 12 ва 4,6 фойиз ўсишга эришдик. Бунинг учун эса корхонанинг ишлаб чиқариш даражасини ва энг зарури билимдон меҳнат жамоасини сақлаб қолиш учун самарали ишларнинг этагини тутдик. Ҳозирги маъсулиятли даврда меҳнатни тўғри ташкил этиш режалари масалаларига ижодий ёндошишнинг самараси деса, тўғри бўлади.

Барча иқтисодий ва сиёсий ислоҳатларнинг бошида турган Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг асосий талабларидан бири пул маблағларига тежамкорлик билан муносабатда бўлиш, уларнинг тез айланишга эришишдир. Корхона харажатларидан ортган маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга жалб этиш, уй-жой қуриш режаларини бажариб, оромгоҳ ва дам олиш уйларини кенгайтириш, меҳнаткашларнинг эҳтиёжини қондиришнинг синашта бўлган тажрибаларига таяниб режа тузмоқдамиз. Шу йўсинда ишчиларнинг моддий ва маънавий талабларини қондириш йўлида ҳам савобли ишларни имкон даражасида амалга ошираяпмиз.

Концерн ташкил топган илк кунданоқ ноширлик ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан тушадиган фойдани жамғариш мақсадида сўмлик ва эркин муомаладаги валютали жамғармалар тузилган эди. Авваллари ускуналар сотиб олиш ва таъмирлаш учуш валюта марказдан берилар, сўнгра бюджетга ўтказилган фойдадан қопланар эди. Эндиликда концернинг ўзи валюта ишлаб топадиган даражага етиб, бу соҳадаги зарур харажатларнинг асосий қисмини ўз маблағи билан қоплаб, нафис нашрларга ишлатиладиган қоғоз, бўёқ ва плёнкаларни топган маблағи ҳисобига келтираяпти.

Яқинда ташкил топган «Нафосат», «Ўзбек ксерокс» ўзбек-инглиз қўшма корхонаси, «Афросиёб», «Хамса», «Ал-фаросат», «Авекс» қўшма корхоналари корпорация муассисдошлиги маҳсулотлари ва хизматларидан истеъмолчиларимиз мамнун. Концерн таркибида тижорат банки, савдо уйи ташкил этиш йўлида жиддий ишлар олиб борилмоқда. Янги қурилаётган автокўргазмада чет эл автомобиллари савдоси ташкил этилса, яқин кунларда иш бошлайдиган «Алфаросат» корхонасида компьютерлар ва касса аппаратлари йиғиладиган бўлади. Абдулла Қодирий кўчасида қурилаётган ишбилармонлик марказимиз келажакда мамлакатимизда нашриёт-матбаачилик, умуман тадбиркорлик ривожига хизмат қилишига ишончимиз комил. Унумли фойдаланилмаётган майдонлар чет эллик ишбилармонларга ижарага берилмоқда, тушган валюта эса замонавий ускуналар, хом ашё қоғоз сотиб олиб, зарур босма нашрлар чоп этишга сарфланмоқда.

Бозор кўплаб мураккаб муаммоларни тадбиркорлик билан ечишни талаб қилади: хом ашёдан оқилона фойдаланиш ва уни тўғри тақсимлаш, матбаа жиҳозларидан унумли фойдаланиш, ноёб ва қимматли ускуналарни самарали ишлатиш, киройи режалаштириш, ходимлар ва ишчиларнинг пировард натижа учун масъуллиги ва ташаббускорлигини ошириш, ижодий фикрлаш, асосий мақсадни кўзлаб меҳнат қилиш кабилар доимий талаблар сирасига киради. Кези келганда шуни айтиш керакки, концерн ўзининг фаолиятида ҳозирги ўта маъсул давр талаблари даражасида, ривожланган мамлакатларда ўн йиллар давомида синовдан ўтган ишлаб чиқариш тажрибаси ва шаклларидан фойдаланган ҳолда ўз ишини ташкил этишга интилмоқда. Айни чоғда тижоратга ва рақобатга ўрганишимиз, Ватанимизнинг буюк келажагини қурадиган навқирон, ташаббускор тадбиркор ёш авлодни тарбиялаб уларга иш, ҳунар ўргатиш кераклигини ҳисобга олган ҳолда режалар тузилиб , ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Иш ўз йўлига, лекин ҳозирги пайтда рўзғор ташвишлари ҳам одамларни ошириб қўйянти. Юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимояси тўғрисида мунтазам қайғуриб келаётгани халқимиз учун айниқса эътиборлидир. Концернимиз эришаётган натижаларни таҳлил қилганда, ютуқларимизнинг бош омилларидан бири — ҳизматчиларимизнинг ижтимоий ҳимоясига ва уларга зарур маданий-маиший шароитлар яратишга алоҳида ғамхўрлик қилаётганидир. Ўз санаторий-профилакториймиз бор. Унда ходимларимиз имтиёзли дам олишади, сиҳатларини тиклашади. Чимён тоғ этакларидаги гўзал манзарали дам олиш базамизда айни кунларда кўплаб ишчиларимиз оилалари билан ҳордиқ чиқаришмоқда. Ёзги оромгоҳларимизда ходимларимизнинг мингдан ортиқ фарзандлари таътилни ижобий ўтказиб мароқли дам олиб, янги ўқув йилига бардам тайёрланиб олишди.

Бугунги даврда корхоналар томонидан турар жой қуриш хийла мураккаб иш. Шунга қарамай бу муҳим ва шарафли иш бизда режали равишда амалга оширилмоқда. Паркент кўчасида 12 қаватли, Наврўз (собиқ Лопатин) кўчасида эса 7 қаватли уй қурилмоқда. Бундан ташқари, Қибрай оромгоҳимиз боғларида 65 ўринли касалхона, Чимён этакларидаги боғимизда яна 50 ўринли бинони қайта таъмирлаш режалаштирилмоқда.

Корхонамизнинг ўзида бир неча ошхона, буфет, қаҳвахона, чойхоналар, дўконлар, сартарошхона, новвойхона, омонат кассалари ишлаб турибдики, бир қарашда ончалик аҳамиятли бўлиб кўринмаган бу хизматлар ходимларимизни эртанги кунга ишонч билан қараб хотиржам ва самарали ишлаши учун хизмат қилади.

Кўриниб турибдики, бир томондан йиллаб йиғилган иқтисодий муаммолар юзага қалқиб, бошқа ёқдан ёш давлатимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, миллий ҳамжиҳатлик талаб этилаётган ҳозирги ҳам қийин, ҳам маъсулиятли даврда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг кўп минг кишилик жамоаси Ватанимиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қилаётир. Муаммоларни бирин-сирин бартараф этиш, миллий валютамиз қувватини ошириш замондошларимиз ва келажак авлоднинг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун ишнинг кўзини ҳам, ўзини ҳам билмоқ керак.

Давримизнинг талаби ҳам шу. Мустақилликнинг ҳам.

Ислом ШОҒУЛОМОВ,
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош директори.

Тўлан НИЗОМ

Андижонда Бўз деган туман бор. Унинг чеккагина бир буржида эса Тўлан Низом деган шоир яшайди. Ўзбекистонда номи машҳур бўлган ва бўлмаган каттакичик ижодкор зоти борки, шул ёққа йўли тушса уни йўқлайди. Дилкаш ва дардкаш одам. Яхши шоир. Яхши инсон.

У Тошкентга ҳам келади. Лекин қутлуғ кунларда эл-дошларини қандай қутлашни ҳам билади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Катта айём арафасида таҳририятимизга истиқлолимизнинг уч йиллигига бағишлаб битган «Хумо» достонидан парчалар йўллабди. Буни камтарин ва камсуқум шоиримизнинг шу юртга, шу халққа йўллаган қутлови деб қабул қилдик.

ХУМО

Учиб келган Хумо қуш,
Кўчиб келган Хумо қуш,
Бошинг тилломи, кумуш,
Қушим, хуш келибсан,
Хуш!

Қанотларинг зангори,
Титингда тақдир торн,
Сенга қалбимда бори,
Сенга шоир диёри!

Кўзларинг чақноқ экан,
Доимо уйғоқ экан,
Ғам сендан узоқ экан,
Умринг ярқироқ экан!

Тирноқларинг қиличми,
Думинг олтин хивчими,
Парвозинг буюк бурчми,
Сен шунча қудрат-кучми!

Сенда ҳеч армон борми,
Сенсиз хон, султон борми,
Сени демас жон борми,
Сенсиз ҳам жаҳон борми!

Кел, мангу боғларда қол,
Гул очур тоғларда қол,
Ўлкамга ошиён сол,
Қуёш мисол, ой мисол!

Кел, сени кўз-кўзлайин,
Шеър тулпорин тезлайин
Айтар гапни чўзмайин,
Кел, бир достон сўзлайин!

* * *

Тошкент қучоғига чўкур эди шом,
Кузнинг ипак ели тарқатур илҳом,
Нозли юлдузлардан тўкилур инъом,
Кўк ичра ой ташир элга эҳтиром,
Оташин севгидан тебранур майдон,
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон.

Қушдек учиб чиқди самога Байроқ,
Гулдирос қарсакдан коинот уйғоқ,
Ҳар битта кўнгилда ёқилди чироқ,
Байроқ бўлиб қолди бунда иштиёқ!
Оташин севгидан тебранур майдон,
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон.

Байрам тўрисида бир-бир кўринур,
Яссавий, Бухорий, шаҳаншоҳ Бобур,
Беруний, Навоий ва Амир Темур,
Улар тилга келиб сўз айтур мағрур,
Оташин севгидан тебранур майдон,
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон.

Темур дер: Биз мулки Турон бўлуғимиз,
Амири Туркистон, элнинг тўлуғимиз,
Қадимий миллатнинг энг улуғимиз,
Туркнинг бош бўғини, шудир йўриғимиз,
Оташин севгидан тебранур майдон,
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон.

Деди ғазал ўқиб улуғ Навоий:
Менинг авлодларим бу иш киройи,
Қутлуғ бўлсин Хумо—Истиқлол ойи,
Сиз ила очилсин замон чиройи,
Оташин севгидан тебранур майдон,
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон.

Янгроқ қўшиқ элтди арзу самони,
Яна тиниқ айлаб тоза ҳавони,
Ер ҳали билмаган бундоқ навони,
Оҳанг қанотида кўринг вафони,
Оташин севгидан тебранур майдон,
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон.

Ҳур-ҳур раққосалар учади пир-пир,
Гўзаллик зарбидан юраклар зирқир,
Бунда ёр-ёр айтур туркона кампир,
Қадим қўшиқларда о, қандайин сир,
Оташин севгидан тебранур майдон,
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон.

Капалакдек қувнар бунда ҳар бола,
Гўзал саҳна узра сочилган лола:
Ў—Алишер, Бобур, Нодир, Камола,
Миллатни мангуга қилур ҳавола,
Оташин севгидан тебранур майдон,
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон.

Чилдирма овози оламни тутди,
Карнай садолари бўшлиқни ютди,
Истиқлол бағрига армонлар етди,
Ул қаро кунларни Ўзбек унутди,
Оташин севгидан тебранур майдон,
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон.

КЎЧМАС МУЛК—БУ ЎЛМАС САРМОЯДИР!

УНИНГ СОҲИБИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ, Хоразм вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ХИВА ШАҲРИДА 29 АВГУСТДА ўтказадиган кўчмас мулк бўйича КИМ ОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ

«НАВРЎЗ» ЧОЙХОНАСИ

Урганчдаги оромгоҳда жойлашган, 1990 йилда пишиқ ғиштдан қурилган.

Бошланғич баҳоси — 135 минг сўм.

«ЛОТОС» ЧОЙХОНАСИ.

Урганч туманида жойлашган. Бир қаватли, 1990 йилда хом ғишт ва монолит темир бетондан қурилган.

Бошланғич баҳоси — 300 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ИНШООТ.

Урганч шаҳридаги Хонқа кўчасида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 110 минг сўм.

ҲАММОМ.

«Хива» жамоа хўжалигида жойлашган. Бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган усти темир бетон қопламали иншоот.

Бошланғич баҳоси — 120 минг сўм.

ҲАММОМ.

Хива туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 136 минг сўм.

ҲАММОМ.

Хива туманидаги бир қаватли бино. Пишиқ ғиштдан қурилган, усти темир бетон қопламадан иборат. Қозонхонаси бор.

Бошланғич баҳоси — 100 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ТЕМИР БЕТОНЛИ БИНО.

Ҳазорасп тумани марказида жойлашган. Эгаллаган майдони — 6000 кв. м.

Бошланғич баҳоси — 180 минг сўм.

«ХОНҚА» МЕҲМОНХОНАСИ.

Силикат ғиштдан қурилган, усти темир бетон қопламадан иборат, икки қаватли бино.

Бошланғич баҳоси — 200 минг сўм.

ҲАММОМ.

Хонқа туманида жойлашган. Пишиқ ғиштдан қурилган икки қаватли бино.

Бошланғич баҳоси — 100 минг сўм.

МАИШИЙ ХИЗМАТ УЙИ.

«Ғалаба» жамоа хўжалигида жойлашган. Пишиқ ғиштдан қурилган бир қаватли бино. Канализация тизими марказлашган.

Бошланғич баҳоси — 25 минг сўм.

МЕҲМОНХОНА.

Боғот тумани марказида жойлашган. 53 ўринга мўлжалланган икки қаватли бино.

Бошланғич баҳоси — 120 минг сўм.

ТРАКТОР

1994 йилда «Ташсельмаш»да ишлаб чиқарилган.

Бошланғич баҳоси — 50 минг сўм.

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
(36222) 6-32-63, 6-81-66, 6-81-68.
(3712) 68-17-55, 68-44-56.

Ҳафталик кўрсатувлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА

Душанба, 29. VIII

ЎзТВ I

17.55 Истиқлол жамоли. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.15 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол куртаклари». 19.10 «Мусаввир ва замон». «Ўзбектелефильм». Премьера. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА «Биз танлаган йўл». 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Истиқлол жамоли. 21.30 Эълонлар. 21.35 Тўлан Низом. «Мустақиллик ила уйғоқ ҳар юрак». 21.55 «Хирмон тўлиб тўкилди дон...». Ғаллакорларнинг меҳнат ютуқларига бағишланган кўрсатув ва концерт. 23.35—24.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

«Тошкент» студияси таништиради:

19.50 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 20.20 «Билиб қўйган яхши». 20.40 «Боғимга марҳамат». Телефильм. 20.50 Романслар кечаси. 21.20 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол фидойилари». Элбек. 22.00 «Ҳафтанома» (рус тилида). 22.30—24.00 «Мимино». Бадиий фильм.

ЎзТВ III
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.10 Футбол бўйича Италия суперкубоги. «Милан» — «Сампдория». Миландан кўрсатилади.

19.05 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Душанба куни детектив. «Қирол ёқутининг ўғирланиши». Бадиий фильм. «Эркюль Пуаро» сериалидан. 20.55 «Ҳеч ким унутилмайди». 21.00 «Асил ҳолича». 21.55—22.25 «Жаз-клуб».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал. 18.50 «Эксклюзив». Иваново вилояти қатъий режим зонасидаги маҳбуслар ҳаёти ҳақида. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Монолог». 20.40 «Нафрат ва муҳаббат оралиғида». Михаил Зошченко. 21.25 «Спорт уик-энди». 21.40 Иллюзиялар канали. 22.25 — 23.00 «Магик-шоу».

Сешанба, 30. VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 Истиқлол жамоли. 8.35 «Артист»нинг хайрлашув гастроли». Бадиий фильм. 9.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. 11.25 Болалар учун. «Яшил чироқ». 12.25 «Созимда севги васфи». 12.55 — 13.45 «Қувноқ учрашувлар».

17.55 Истиқлол жамоли. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.15 «Истиқлол ва қонунчилик». 18.45 «Ёшлик» студияси. «Кимга қанақа?». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Шаҳар байрам арафасида». 20.10. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. «Ўзбек сўми». 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Истиқлол жамоли. 21.30 Эълонлар. 21.35 «ЎЗБЕКИСТОН. МУСТАҚИЛЛИК ОДИМЛАРИ». «Ўзбектелефильм». Премьера. 22.30 «Санъатимиз дарғалари». Ҳалима Носирова. 23.40—00.05 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

«ОМАД» таништиради:

19.50 «Мультфейерверк». 20.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 21.00 «Видеогид». 21.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 22.00 «Шаҳар байрам арафасида». 22.15—24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Совға». 9.30 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 9.45 Эълонлар. 9.50 Видео—«О». 11.30 Эълонлар. 11.35 «Курьер». 11.50 «Рок ҳақида». 12.20 Эълонлар. 12.25 «Шарқ дурдоналари». 13.00 «Даракчи». 13.10 Эълонлар. 13.15 — 15.00 Видео—«О».

18.00—19.50
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 «Формула-1» классида автомобиль пойгаси бўйича жаҳон чемпионати. Бельгия гран-приси. 22.00 «А. Челентано — барча овсарлар қироли». Дам олиш концерти.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 — 23.35 «Жўра Саркор». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 «Тонг».

18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал. 18.55 «Мавзу». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Илк манбадан». 20.40 «Ялта — Москва — Транзит-94». Эстрада қўшиқлари ёш ижрочиларининг IX телевизион танлови. 22.10 Хоккей. Халқаро турнир. «Спартак» кубоги. «Россия юлдузлари» — «Спартак» (Москва).

Чоршанба, 31. VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 Истиқлол жамоли. 8.35 «Ўзбекистон. Мустақиллик одимлари». «Ўзбектелефильм». 9.30 «Гулғунчалар». Болалар учун концерт. 1-қисм. 9.45 «Ўзбекистон—хорижликлар нигоҳида». 10.05 «Алпомиш авлодлари». 10.25 «Ёшлик» студияси. «Ватандин яхши ёр бўлмас». 11.15 «Дўстлик чаманзорида». Мусиқий дастур. 11.45 — 12.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

16.55 Истиқлол жамоли. 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Гулғунчалар». Болалар учун концерт. 2-қисм. 17.20 «Экран довруғи». Кинодастур. 18.00 «Ўзбекистон ва жаҳон». 18.30 «Мен буюк юрт ўғлидурман». Адабий композиция. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.25 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР. Тошкентнинг Мустақиллик майдонидан олиб кўрсатилади. 21.40 «Ватан туйғуси». «Ўзбектелефильм». Премьера. 22.05 «Шум бола» чойхонаси. 22.55 «Ўзбекистон» ахборотининг махсус сони. 23.20 —00.30 «АНОР» телевизион танлови. Махсус байрам сони.

ЎзТВ II

19.00—00.30 ЎзТВ I дастури.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Футбол бўйича Россия чемпионати. «Спартак» (Москва) — «Спартак» (Владикавказ). 20.45 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 21.35 «Кўздан ғойиб бўлаётган манзара». Лев Аннинский кўрсатуви. 22.20 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.45 «Бир-бирига тўғри келмади». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 «Тонг».

18.00 «Технодром». 18.10 Муслим Магомаев ҳузурида меҳмонда. 18.50 «Агар...» Кўрсатувни В. Познер олиб боради. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 Бадиий фильм. 22.00 — 22.45 Янгиликлар.

Пайшанба, 1. IX

ЎзТВ I
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
1 СЕНТЯБРЬ КУНИ СОАТ 7.00 ДАН 2 СЕНТЯБРЬ СОАТ 02.30 ГАЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ДАСТУРИНИ ТОМОША ҚИЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

ЎзТВ II

19.30 — 02.30 ЎзТВ I дастури.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.15 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 19.05 «Марралар». 19.20 Спорт кўрсатуви.

19.25 — 20.40
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.40 — 22.05 «Енгилқадамлар». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 «Тонг».

17.50 «Тиғиз пайт». 18.15 «Шаддод Роза». Телесериал. 18.40 Германиядан Россия қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши ҳақида репортаж. 19.05 «Билимлар сари саёҳат». Дам олиш кўрсатуви. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Москва — Кремль». 20.50 Эслашлари учун...» Л. Филатовнинг муаллифлик кўрсатуви. 21.35 — 23.35 «Ялта — Москва — Транзит-94». Эстрада қўшиқлари ёш ижрочиларининг IX телевизион танлови (танловнинг ёпилиши).

Жума, 2. IX

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 «Жабрланувчиларнинг даъвоси йўқ». Бадиий фильм. 10.00 Лирик концерт. 10.30 Ўқув кўрсатуви. География. 11.00 «Чантраморэ». Телефильм. 11.45 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт. 12.15 — 13.15 «Хирмонингизга барака». Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Биринчи қўнғироқ». 18.40 «Давр ва ўзим ҳақимда». «Ўзбектелефильм». Премьера. 19.00 Маънавият хазинасидан. Тариқат пешвоси». Баҳовуддин Нақшбанд. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.55 Эълонлар. 20.00. «Қўшиқларда қалбим менинг». Абдулҳай Каримов куйлайди. 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 «Мерос ва экран». Иззат Султон билан учрашув. 22.30 «Ҳур қиз». Бадиий фильм. 23.40 — 00.05 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

«Тошкент» студияси таништиради:

19.50 «Жонди тил». 20.40 «Шоҳсупа сари». Спорт кўрсатуви. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 — 22.25 «Тошкент оқшомлари».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 «М-трест». 20.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 21.00 «Ректайм». 21.30 Кутиш зали. «Савдо порти». 22.20 «Клип-танаффус». М. Распутина.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 00.05 «Ота ва ўғиллар». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 «Тонг».

17.45 «Инсон ва қонун». 18.20 «Шаддод Роза». Телесериал. 18.50 «Мўъжизалар майдони». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Ҳафтатанинг машҳур кишиси». 20.50 — 22.45 «Детективлар клуби»да, «Ҳар бир кишининг ўз дўзахи бор». Бадиий фильм. (Франция, 1976 й.).

Шанба, 3. IX

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.30 «Ҳазил». Бадиий фильм. 10.00 «Ёшлар ва замон». 10.35 «Мерос». Юсуф Сарёмий. 12.00 С. Прокофьев. «Ромео ва Жульетта». Балетдан лавҳалар. 12.50 «Сирли сандиқ». Телеўйин. 13.30 «Шоҳрух» клуби. 14.00—14.35 — «Маърифатнома».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Аёл ва жамият». 18.30 «Сайёра Қозиева куйлайди». «Ўзбектелефильм». Премьера. 18.50 «Ёшлик табассуми». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Ўзбекистонда куз». Телефильм. 20.05 Санъат усталари концерти. 20.40 Оқшом эртаклари. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 Насрулло Қобул. «Амир Музаффар». Видеофильм премьераси. 1-қисм. 22.45 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультфейерверк». 9.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 10.10 «Видеогид». 10.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 11.10 «Кинонигоҳ» 12.40 «ОМАД» тақвими». 12.50 «Жозиба». 13.10 «Бир шингил ҳангома». 13.20 «Муҳаббатга ошно қалблар». 13.40 Видео янгиликлари. 14.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар. 14.50 «Кинонигоҳ».

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

«Тошкент» студияси таништиради:

ШАНБА ОҚШОМИДА

19.50 Болалар учун. «Табассум». 20.30 «Эсдалик учун дастхат». 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 «Менинг кўчам». 21.40 «Ҳар тўғрида». 21.50 «Антенна». 22.15 «Кинематограф». Ч. Чаплин иштирокида фильмлар. 23.35 «Хотима».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

11.40 — 16.00
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

11.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 12.05 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан». 12.40 «Дидар» (қозоқ тилида). 13.15 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 13.30 «Қалбим қўри». 14.00 «Безнен мирас». (татар тилида). 14.40 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 14.55 «Эстрада юлдузлари». Дайер Стрейте (Англия). 15.40 «Бу ажиб дунё».

18.00 — 19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 «Овросиё-ТВ» намойиш этади: «Аида». Фильм-опера. 21.10 «А» кўрсатуви. 22.10 Катталар учун мультфильм. 22.20 Спорт кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.50 «Садқаисар». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 «Ўшангача ва ундан сўнг». 18.40 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Айвенго». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.45 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Комиссар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 11-серия. 21.45 — 23.30 «Менга Россия ҳақида сўзла». Германиядан Россия қўшинларининг олиб чиқиб кетилишига бағишланган санъат усталарининг концерти.

Якшанба, 4. IX

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.30 «Маҳоҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 82-83-сериялар. 10.00 «Ёшлик» студияси «Ватанимга хизмат қиламан». 10.30 «Икки дил таронаси». Гўзал Эгамбердиева ва Собир Мўминов. 11.05 «Инсон ва қонун» почтасидан. 11.35 Бугун — Нефть ва газ саноати ходимлари куни. Кўрсатув ва концерт. 12.35 — 16.00 Футбол бўйича Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кубоги Халқаро турнири. («Пахтакор» Марказий стадионидан ёзиб олинган).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Болалар учун. «Чамандаги гуллармиз». Адабий-мусиқий композиция. 18.40 Абдулла Қодирий мукофотига номзодлар. Ҳайкалтарош Илҳом ва Камол Жабборовлар. 19.10 «Ҳилол» студияси. «Бор барака». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида). 20.00 Эълонлар. 20.05 «Ойнаи жаҳонда...». 20.25 Дам олиш концерти. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ҳафтанома». 21.30 Эълонлар. 21.35 «Ёшлик» студияси «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 22.55 Насрулло Қобул. «Амир Музаффар». Видеофильм премьераси. 2-қисм. 00.10 — 00.40 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

17.00 «Совға». 17.30 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 17.45 Эълонлар. 17.50 Видео — «О». 19.40 Эълонлар. 19.45 «Курьер». 20.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари. 20.30 Эълонлар. 20.35 «Даракчи». 20.45 Байрам интервьюлари. 21.05 Эълонлар. 21.10 Видео — «О».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

11.55 — 16.00
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

11.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 12.15 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси» (Вьетнам). 12.45 «Дунё эшиги». 13.25 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 13.40 Сиз ёқтирган қўшиқлар. 14.10 «Ташрифлар ва таклифлар». 14.30 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 14.45 «Овгинаю-созгина». 15.05 «Интермулоқот». 15.40 «Бу ажиб дунё».

16.00 — 19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 «Экзотика». 20.20 «Эй-Би-Си» билан якшанба оқшомида. «Картина». Бадиий фильм. 22.00 «Ксюша ҳузурида».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 — 23.50 «Шамолдек эркин». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 «Бир боқишда муҳаббат». 18.15 «Орзулар вокзали». Юрий Башмет. 18.55 «Бомонд». 19.10 Жан-Поль Бельмондо «Қувноқ пасхада» бадиий фильмида (Франция, 1984 й.). 21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви. 21.55 Хоккей. Халқаро турнир. «Спартак» кубоги. Финал.

PARS GROUP

"Парс груп" фирмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти жаноб Ислом Каримовни ва бутун ўзбек халқини улуғ айём - Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади, тинчлик ва равнақ тилайди.

Мустақиллик байрами муносабати билан "Парс груп" фирмаси арзонлаштирилган нархларда хорижий моллар: эркаклар ва болалар чарм пойабзали, хотин-қизлар ва эркаклар трикотажи, болалар костюмлари улгуржи сотувини эълон қилади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент, Ўзбекистон кўчаси, 49-а, Давлат ўрмон хўжалиги қўмитасининг биноси, 2-қават, "Ўзбекистон" метро бекати.

Телефонлар: 45-86-69, 45-95-73, 45-93-66.

НУРТОП

тўқимачилик, инвестициялар ва савдо-сотиқ

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганига уч йил тўлиши муносабати билан бутун Ўзбекистон халқини чин кўнгилдан табриклаймиз ва уларга тинч-тотувлик тилаймиз.

Мустақилликнинг бошида турган ҳурматли Президент Ислом КАРИМОВга сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Туркиянинг "НУРТОП" фирмаси

ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.



BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зараралидир!

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Республика телевизион марказ жамоаси Бош телеоператор Марат Муслимовга волидаи муҳтарамаси

Асия МУСЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси бошлиғи, милиция генерал-майори

Комилжон ҒОФУРОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби, бошқарма бошлиғи, милиция генерал-майори

Комилжон ҚодировичҒОФУРОВнинг

тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир қайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асриддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» нашраси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қўқонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00.
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Ҳ. ИКРОМОВ, М. ҚИЁМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.